O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 12 январь ШАНБА
№ 3 (12.014)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади
www.th.uz

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан ҳимояси каби шарафли ва олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий табриклаш менга катта мамнуният етказади.

Бугун Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоялашга қодир бўлган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган, профессионал асосда ихчам ва тезкор Қуролли Кучлар барпо этилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Юртимизда Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимига ўтишга имкон берди. Янги ташкилий-штат тузилмаси қабул қилинди, қисқа вақт ичида ҳарбий округлар, чегара ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар ташкил этилди, мамлакат мудофаа тизимини бошқариш механизми, Қуролли Кучлар Бирлашган штаби раҳбарлигидаги жанговар тайёргарлик ва тезкор-стратегик режалаштириш тизими қайта кўриб чиқилди. Қўшилмалар ва қисмларни таҳдид эҳтимоли кўпроқ бўлган оператив йўналишларни эътиборга олган ҳолда, қайта жойлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилди.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди ва муваффақиятли ривожланиб бормоқда. Қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг социал ва маиший турар-жой шароитларини яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биз миллий армиямизни босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда аввало Ўзбекистоннинг минтақамизда ва ҳозирги дунёда тутган геостратегик ва геосиёсий ўрнини, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган жиддий ички ва ташқи таҳдид ва хатарларни, айниқса, кучайиб ва фаоллашиб бораётган халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши каби бало-қазоларни ҳисобга олган ҳолда иш тутдик. Шу ўринда қарийб 30 йилдан буён биродаркушлик уруши давом этаётган ва тинч аҳоли қурбон бўлаётган Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг мураккаб бўлиб тургани ҳам минтақамиздаги хавфсизликка катта таҳдид туғдираётганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айни пайтда миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда, шу билан бирга, минтақамизда рўй бериш эҳтимоли мавжуд бўлган ҳарбий ҳаракатлар ва жанговар амалиётлар ҳам ҳар томонлама эътиборга олинмоқда.

Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, пухта ўйланган чора-тадбирлар ва ҳисоб-китоблар асосида жанговар ва хизмат кўрсатувчи қисмларнинг мутлақо янги тузилмаси ишлаб чиқилди ва жорий этилди, уларнинг таркиби, мақсад-вазифалари тубдан ўзгарди. Пировард натижада қўшинларимизнинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари, армиямизнинг ҳарбий салоҳияти ва жанговар қудрати янада ортди.

Армиямизни зарур қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш ҳамда қайта қуроллантириш, жумладан, жанговар вертолётлар паркини, ҳарбий ҳаво мудофааси кучларини мустаҳкамлаш, қўшинларимизни қурол-аслаҳаларнинг бошқа замонавий турлари билан таъминлаш бўйича тизимли ва мунтазам асосда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Биз офицерлар ва аскарлар таркиби ўртасида нафақат боғловчи бўғин, балки том маънода армиямизнинг таянч устуни, офицерларнинг ишончли ёрдамчилари бўлмиш сержантларимизнинг профессионал тайёргарлик даражасини янада оширишга катта эътибор қаратмоқдамиз.

Бугунги кунда замонавий жиҳозланган махсус сержантлар мактабларида таълим олган сержантлар бутун аскарлар таркиби учун энг яқин кичик командирлар бўлиш билан бирга, улар, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир аскарга бамисоли акадек ғамхўрлик кўрсатиб, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳарбий ўқув юртларимизда таълим тизими тубдан ўзгармоқда, уларда бўлғуси офицерларни тайёрлаш ва тарбиялаш ҳозирги замон талабларига тўла мос келадиган, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлган ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган. Бугун катта мамнуният билан шуни қайд этиш лозимки, ҳарбий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тарбиялашнинг ўзига хос, нодир тизими яратилгани туфайли Қуролли Кучларимизнинг деярли бутун қўмондонлик ва сержантлар таркиби тўлиқ янгиланди.

Армия сафларига аввалambор мустақил ва суверен Ўзбекистонимизга хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя этишга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан тарбия топган етук кадрлар келди.

Биз қўлга киритган бундай ютуқлар билан муқаддас юртимизда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳақли равишда фахрланса арзийди, албатта.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг ҳозирги ва эртанги энг муҳим вазифамиз – тобора ўсиб бораётган бугунги кун талаблари асосида ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар ва машқ тайёргарлиги самарадорлигини кучайтириш, армиямизни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминлаш, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлашда замон билан ҳамқадам бўлиб, изчил иш олиб боришимиз шарт.

Шу борада армиямизнинг мукаммал ва пухта ташкил этилган механизм каби тўлақонли фаолият кўрсатиши, унинг таркибидаги ҳар бир ҳарбий қисм ўз вазифасига эга бўлган ҳолда, бошқа турдаги қўшинларнинг бўлинмалари билан биргаликда ўзаро узвий боғланган ягона комплексни ташкил этиб, жанговар ҳаракатларни бир ёқадан бош чиқариб олиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда барча турдаги қўшинларни тайёрлаш ва жанговар фаолиятини амалга ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ўзаро яқин ҳамкорлигига эришиш Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлиги, тегишли идоралар, ҳар қайси бўғиндаги командирларнинг асосий вазифаси бўлиши зарур.

Айниқса, армиямизни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш олдимизда турган энг масъулиятли вазифа ҳисобланади. Сир эмаски, бугунги кунда замонавий қурол-аслаҳа жуда қиммат туради. Айнан шу сабабли Қуролли Кучларимизнинг биринчи галдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, пухта ўйланган дастур асосида, аввало замонавий талабларга жавоб берадиган ва шу билан бирга, қўшинларимизнинг ҳарбий ва жанговар қудратини янада кучайтирадиган қурол-аслаҳалар билан таъминлашимиз муҳим ўрин тутади.

Шахсий таркибни ўта хавфли бўлган турли қирғин қуролларининг таъсиридан алоҳида ва биргаликда ҳимоя қилишнинг ишончли воситалари ҳамда техникаси билан таъминлашга жиддий эътибор қаратишимиз даркор.

Ҳарбий тайёргарлик самарадорлигини ошириш энг муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда. Ҳарбий маҳорат сирларини ўрганиш ва чуқур ўзлаштириш ҳар қайси ҳарбий хизматчи – оддий аскардан бошлаб юқори қўмондон учун ҳам доимий, асосий вазифа ва мақсад бўлиб қолиши шарт. Бу борада сержантлар мактаблари, ҳарбий билим юртлари, қўшилма ва қисмларни замонавий тренажёрлар, реал жанговар вазиятларга имкон қадар тўла мослашишни таъминлайдиган полигон ускуналари билан жиҳозлаш алоҳида аҳамият касб этади. Биз тренажёрлар, ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция услубларига асосланган замонавий техник таълим воситаларини ҳозирги вазиятда ўта мураккаб вазифаларни ҳал этиш ва армиямизнинг жанговар қобилиятини оширишга қодир бўлган амалий ва самарали қурол сифатида қабул қилишимиз лозим.

Маълумки, 2008 йил юртимизда Ёшлар йили деб эълон қилинди. Бу ўз навбатида мамлакатимиз Қуролли Кучлари раҳбарияти ва қўмондонлик таркиби олдига бугунги кунда армиямизнинг асосий ўзагини ташкил этадиган ёш офицерлар, сержант ва аскарларнинг манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-умид ва интилишларини рўёбга чиқариш учун янги, янада масъулиятли вазифаларни қўяди.

Шу муносабат билан миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, давлатимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, бу вазифаларни бажаришнинг муҳим ва узвий қисми бўлган ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек буюк ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, уй-жой ва социал-маиший шароитларини янада яхшилаш, иш ҳақи миқдорини ошириш, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бу мақсадларни амалга оширишни мен ўзим учун нафақат муҳим вазифа, балки юксак бурчим деб биламан.

Сиз азизларни – юртимиз мард ўғлонларини, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўн олти йиллиги байрами билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлик, масъулиятли хизматингизда муваффақиятлар, бахт ва омад, она Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли ишингизда ғайрат ва шижоат тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЧЕГАРА КАТЕРЛАРИ АЛОҲИДА БАЗАСИНИ ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базаси шахсий таркибининг республикамиз миллий хавфсизлигини, Ватанимиз ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган катта ҳиссасини, жанговар-хизмат фаолиятида ижобий натижаларга эришганлигини, ҳарбий хизматчиларнинг маҳорати ва юқори профессионал даражасини, уларнинг Ўзбекистон Республикаси чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришдаги фидокорлиги ва мардлигини инобатга олиб, шунингдек, Ватан ҳимоячилари куни нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара катерлари алоҳида базаси Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2008 йил 10 январь.

## МУКОФОТ МУБОРАК!

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 10 январдаги ««Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ бир қатор юртдошларимиз Ватаннинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида Тошкент вилоятидан қуйидагилар бор:**

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Юнусов Ботир Турсунбаевич** – Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлимининг катта тезкор вакили

**«Дўстлик» ордени билан**

**Альметов Халмирза Тойирович** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг Чирчиқ шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**«Шуҳрат» медали билан**

**Ахмедов Алипаша Халисович** – Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

**Бекбутаева Тамара Нурматовна** – Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг катта ўқитувчиси.

### 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

**ВАТАН ҳимоячилари куни арафасида Чирчиқ горнизонининг Офицерлар уйида Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларининг анъанавий тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Байрамона безатилган муҳташам зал ҳарбий хизмат вазифасини ўташ жараёнларида алоҳида ўрнак кўрсатган офицер ва сержантлар билан тўлди. Уларни биринчи бўлиб вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов байрам билан қутлаб, зиммаларидаги оғир аммо, шарафли вазифаларини адо этишларида муваффақиятлар тилади.**



## ЮРТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

– Қуролли Кучлар халқимиз тинчлиги, юртимиз сарҳадларининг хавфсизлиги, осойишталиги ва дахлсизлигининг чинакам таянчи ва мустаҳкам кафолатидир, – деди Зиёвуддин Ниёзов. – Биз мураккаб даврда яшаяпмиз. Одамларимизнинг хотиржамлиги, ҳар жиҳатдан пухта ҳимояда эканликларига бўлган қатъий ишончлари сизларнинг хизматингиз туфайлидир.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш, конституциявий бурчгина бўлиб қолмай, том маънода энг нуфузли касблардан бирига, шон-шараф ишига айланди.

Шундан сўнг, тантанали йиғилишнинг ҳаяжонли дақиқалари бошланди. Зиёвуддин Ниёзов Тошкент ҳарбий округи қўмондони генерал-майор Акмал Комиловга армия эҳтиёжлари учун тўртта компьютер тақдим этди. Ҳарбий хизматчиларнинг катта гуруҳига аъло хизматлари учун Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

– Очиғини айтсам, одатий хизматимни шу қадар қадрлаб, мукофотга лойиқ кўришларини кутмаган эдим, – дейди ҳаяжон билан катта лейтенант Олим Абдиев. – Бундай эътибордан қалбим қувончга тўлди.

Ангрен шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи, подполковник Тўрамирза Орипов, Тошкент ҳарбий округи бронетанк хизмати бошлиғининг ёрдамчиси кичик сержант Светлана Задорожная ва бошқалар хизматлари тақдирланганлигидан миннатдор бўлиб, дил сўзларини изҳор этдилар.

Тантанали маросим катта байрам концерти дастурига уланиб кетди. Айниқса, ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари иштирокчиларнинг қизғин олқишларига сазовор бўлди.

**СУРАТЛАРДА:** тантанали маросимдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**





## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТАЯНЧИ

**МУСТАҚИЛ Ўзбекистоннинг изчил ички ва ташқи сиёсати мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, минтақамизда тинчликни мустаҳкамлаш ва миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилаётганлиги бугун кундай равшан бўлиб қолди. Барчамиз чуқур ишонч ҳосил қилдикки, фақат кучли миллий қуролли кучларгина чегараларимиз дахлсизлигини, тинч ва осойишта ҳаётимизни таъминлай олади.**

Шуни назарда тутиб, давлатимиз раҳбари, мамлакат Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ҳарбий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш давр тақозоси эканлигини алоҳида таъкидлади: "Юртимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз истиқболини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга молик миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур".

Бугун шуни фахр ва ифтихор билан айта оламизки, Қуролли Кучлар ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган озод мамлакатимизнинг таянчи ва суянчи, ишончли қалқонига айланди.

(Давоми 2-бетда).

**АБДУЛЛА АВЛОНИЙ номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

## МУҚАДДАС БУРЧ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда таълим тизими мутасаддилари, ўқитувчи ва мураббийлар, услубчилар, маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Анжуманда "Чақириққача ёшларни тайёрлаш" фани ўқитувчиларининг касбий малака ва маҳоратини юксалтириш, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида дарсликлар ва ўқув адабиётларидан самарали фойдаланиш, таълим масканлари, маҳалла, жамоат ташкилотларининг маърифий-тарбиявий ишлардаги ҳамкорлигини кучайтиришга оид маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

